

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош наشري

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 171 (21. 038) 1991 йил 3 сентябрь, сешанба

Рўзнома йилга 256 марта чиқади.

Баҳоси 8 тийин.

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИ — ЯНГИЛАНИШ, ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати — инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади ҳамда фуқаролар оқилолиги ва миллий мураса сиёсати бўлиб қолади.

(Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Кенгаши навбатдан ташқари олтинчи сессиясида сўзлаган нутқидан).

● Кўп миллионли Ўзбекистон халқи яқинда бўлган жумҳурият Олий Кенгашининг сессиясида таъсис этилган янги байрам — Мустақиллик кунини биринчи марта нишонлади. Жумҳурият парламенти қабул қилган Қонунга мувофиқ Ўзбекистон мустақил республика бўлиб қолди, байрамнинг белгиланиши ана шу шонли воқеа билан уйғунлашиб кетди. Энди Биринчи сентябрь байрам сифатида нишонланади ва дам олиш кунини ҳисобланади.

Шу кунини Ўзбекистон пойтахтининг В. И. Ленин номи билан аталувчи бош майдонда тантаналар уюштирилди. Бу эрада одатдаги дам олиш кунларидангина оқибатлар сайр қилиб юришди, айни вақтда мусика сэдolari, ранг-баранг байроқлар бу куннинг тантанаворлигини билдириб турди. Кечкурун эса бадий ҳаваскорлик жамоалари шаҳарликларга ўз маъразадорлигини намойиш этишди. Шаҳарнинг бошқа майдонларида, оромгоҳлари, ҳибонлари ва боғларида ҳам артистлар, ижодий гуруҳларнинг чиқишлари бўлди. Халқ сайллари ўтказилди.

Халқлар дўстлиги орденли Тошкент деҳқончилик дорифунунининг марказий майдониде митинг бўлди. Сўзга чиққан кишилар тўпланганларни



● Суратда: пойтахт вилоятининг Оржоникидзе райониде байрам тантаналари. В. ТУРАЕВ олган суратлар.

ХАЛҚ ШОДИЁНАСИ

Шу кунини Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг Раиси, республика партия комитетининг биринчи котиби Д. Н. Шамшатов маҳаллий телевидение орқали сўзлади. У Ўзбекистон Жумҳурияти Олий Кенгашининг бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияси тўғрисида аҳолига хабар қилди, уларни ажойиб байрам билан табриқлади.

Қораўзақ ва Кегейли районларида мева-сabboот экинлари ҳосил байрами катта муваффақият билан ўтди. Нукусда, бошқа маҳаллий ҳалқ сайллари бўлди, тўпланганлар хузурида бадий ҳаваскорлик жамоалари, санъат усталари концертлар қўйиб беришди. Байрам Қарши шаҳрида, Қаш-



● Суратда: Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида байрам тантаналари. В. ТУРАЕВ олган суратлар.

қадарё вилоятининг барча районларида кенг нишонланди. Майдонлар ва кўчаларда ранг-баранг байроқлар осилган, одамлар байрамона кайфиятда. Халқ миришкорлари вилоят марказидаги янги бозорга ўзлари иштирокчи олиб келишди. Жумҳурият танловларида неча марта таъбиб чиққан Ҳасим бобо Усмоновнинг қовунлари ҳаммамидан ҳам ширин бўлиб чиқди. У ўзининг Нишон районидаги «Пахтабод» совхозиде экинларининг қирқдан орттиқ навиини етиштирмоқда.

Қашқадарё вилоятининг маданият ва истироҳат боғларида олмайди сайлар ўтказилди. Андижон вилояти меҳнат-қашлари ҳам жумҳурият мустақиллиги кунини шонли байрам сифатида кутиб олдилар. Охунбобоев номидаги бўш мусикали драма ва комедия теат-

ри олдидаги Октябрь майдони осмон остидаги саҳна вазирасини ўтати, бу ер кун буйи гавжум бўлди. Байрам катнашчилари хузурида ҳаваскорлар, маҳоратли артистлар, дарбозлар, аскиячилар ўз санъатларини намойиш этишди.

Вилоятининг барча шаҳарлари ва район марказларида Ўзбекистон Жумҳурияти Мустақиллиги кунига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Фарғоналиклар ҳам озошлик ва мустақиллик байрамини шоду хурурлик билан кутиб олдилар. У энг қадрли байрамлардан бири сифатида нишонланди. Шаҳар марказидаги Аҳмад Фарғоний номи маданият ва истироҳат боғида кярнай янграб, ҳаммани байрамга бағишланган тантаналарга чорларди.

(Давоми иккинчи бетда).

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

Москва, 2 сентябрь. ТАСС-нинг парламентдаги мухбирлари Кремльнинг Съезлар саройидан хабар қилди. Бугун Москвада СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари бешинчи Съезди иш бошлади. Съездни СССР Олий Кенгаши Иттифоқ Кенгашининг Раиси И. Д. Лаптев очди. Делегатлар реакция бошлаган иш кунларида ҳалок бўлганлар хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб, хурмат билан эста олдилар. Раислик қилувчи қисқача кириш нутқида куни неча битта республика раҳбарлари билан учрашуви бўлганини, Съезд номига Қўшма баёнот ишлаб чиқилганини маълум қилди. Баёнотни Қозғористон Президенти Н. А. Назарбоев ўқиб эшиттирди. (ТАСС).

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЪЕЗДИ ИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА РЕСПУБЛИКАЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

1. Биз Съезд ўтказилаётган пайтдаги вазиятни, вақтинчи эътиборга олиб Съездни уч кун давомида ўтказишни таклиф қиламиз.

2. Кун тартибига: СССР Президентининг билан республикаларнинг олий мансабдор шахслари Қўшма баёноти маънасида киритилсин. Таклиф этилаётган чора-тадбирлар кўриб чиқилсин, тегишли қарорлар қабул қилинсин.

3. Танаффусдан сўнг СССР Президентининг, республикаларнинг бошлиқлари ёки вакилларидан иборат ишчи раёсати сайлаш таклиф этилади.

Биринчи мажлисда раислик қилсин СССР Президентининг ўртоқ М. С. Горбачевга топширилсин, сўнгра навбат билан раислик қилинади.

СССР ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ОЛИЙ РАҲБАРЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВАКОЛАТИГА ВИНОВА УНИ Н. А. НАЗАРБОВЕВ ҒИБЪ ЭШИТТИРДИ

Шу йил 19—21 август кунлари қилинган давлат тўғрисидаги натижадада мустақил давлатлар ўртасидаги янги Иттифоқ муносабатларини шакллантириш жараёни барбод бўлди. Бу эса мамлакатини фалокат ёқасига олиб бориб қўйди.

Исёндан кейин мамлакатда вуҳудга келган вазият назорат остидан чиқиб кетгудек бўлса, мамлакат ичкарида ва чет давлатлар билан муносабатларда дарғумон оқибатларга олиб бориши мумкин.

Биз шунини қайд этиамизки, фитна барбод бўлганлиги, демократ кучларнинг галабаси реакция кучларига ва демократик ўзгаришлар жараёнига тўсқинлик қилиб келган барча тўғаноқларга қаттиқ зарба урди. Шу тариқа мамлакатини янгилик бўлидаги тўб ўзгаришларнинг жаддаллаштириш учун тарихий имконият вуҳудга келтирилди. Шу шароитда мамлакатнинг қонуний сайлаб қўйилган олий раҳбарлари: СССР Президентининг, республикаларнинг Президентлари ва Олий Советларининг Раислари оқимият тузилмалари янада иккирозага учрашига йўл қўймаслик ҳамда республикалар ўртасидаги муносабатларнинг янги сиёсий, давлат тизими вуҳудга келтирилгунча, ўзини даври учун республикалар-аро (Иттифоқ) ҳокимият тузилмаларини (янги Конституция қабул этилгунча ва унинг асосида янги ҳокимият қилинсин). (Давоми иккинчи бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ХОРИЖДАН МАКТУБЛАР

Шу йил 1 сентябргача «Совет Ўзбекистони» номида чоп этилиб, бу кунда давр тақозоси билан «Ўзбекистон овози» бўлиб чиқаётган, республикамизнинг 73 йиллик тарихи бор ўзбек тилидаги янги, отахон рўномаси чет мамлакатларга ҳам тарқалади.

Унинг халқимиз орасидаги обрў-эътиборини тан олган, бинобарин рўнома саҳифаларида баҳраман бўлган хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимиз, кўп соҳаларда иш олиб бораётган муаллифлар тахририятга мурожаат қилиб, хат-хабарларини, мақолаларини чоп этишимизни сўрамоқдалар.

Бугун эътиборингизга ҳавола этилаётган мақтублар ҳам хориждаги юртдошларимиздан. Уларнинг муаллифлари Абдурауф Мақсудий ва фарзандлари Фарид Аҳмад Мақсудий, Мансур Аҳмад Мақсудийлар АҚШ — Нью-Йоркда истиқомат қилишади.

1988 йилда Ўзбекистонлик бир гуруҳ вакиллар Қўшма Штатларга таширф буоришга мақсудийлар хонадониде бўлишган эди. Ушанда ойда бошлиғи, ҳамюртимиз Абдурауф ака «Ўзбекистон овози» муҳарририятга республикамиз тўғрисида, Ўзбекистон халқи дийдорига зор эканлигини айтган эди. Шундан кейин у Тошкентда ташкил этилган ишбилармонлар анжуманида қатнашди, она юрти дийдорига ташвишли бироз таксин топди. Мана энди Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги мўшарраф бўлганини эшитиб, ота-болалар дил сўзларини ифода-лаб қуйидаги мақтубларини юборишди.

Бундан бўён ҳам «Ўзбекистон овози»га хориждан мақтублар янги рушни билан чет аллардан, софид ватадошларимиздан келган хат-хабарларни, умр ҳаётидан лаҳзаларини, янгиликларини еритиб борамиз. Мақтублар ёнида суратлар бўлса нур устига аъло нур.

Яна бир гап. Қимки, «Совет Ўзбекистони»га 1992 йил учун обуна бўлишга улгурган бўлса, ҳавотирликка тушмасин. Улар келаси йилдан ўша рўзнома, яъни «Ўзбекистон овози»ни мунтазам олаверади.

Ўзбекистон ҳукумати!
Ўзбекистон фуқароларига!
Хурматли Президент Ислам Каримов, хурматли ҳукумат аъзолари, хурматли халқ депутатлари, хурматли биродарлар!
Ўзбекистон тарихида, Ўзбекистонлик ватадошларимиз ва хорижий ўзбеклар ҳаётида бундан кейин сирам унутиб бўлмайдиган тарихий воқеа содир бўлди. Ўзбекистон мустақилликка эришти. Бугундан бошлаб бундан минг йиллар аввал ҳам ўзининг ноёб истеъдоди қирралари билан жаҳонни лол қолдирган ўзбек халқининг жавоҳирдай равшан истеъдодини, озошликка қараб интилишини, унинг бўғилган чексиз имкониятларини тўсиб қоладиган, бўғиб қўйдиган ҳеч қандай куч-қудрат йўқдир. Биз барча ватадошларимизни ана шу улду аёём — Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган билан чин кўнгиладан табриқлаймиз.

Мустақиллигиниз қутлуғ бўлсин, ватадошлар!
Фарид Аҳмад МАҚСУДИЙ,
Мансур Аҳмад МАҚСУДИЙ,
Америка — Ўзбекистон тижорат ва маданият корпорейшини раислари.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг хурматли муҳтарам жумҳураини жаноби Ислам Каримов, муҳтарам ҳукумат аъзолари, муҳтарам халқ депутатлари, азна ватадошлар!
Ниҳоят ўз Ватанидан, ўз Ватани тупроғига қўмилишдан жудо қилинган, хорижий элларда Ватан жамолини, Ватан тупроғини эзилиб соғинишга маҳжум қилинган миллионлаб ўзбекларнинг — туркистонликларнинг орақиқ кутган кун келди, ораулар ушалди. Ўзбекистон ҳукумати олий минобаридан муҳтарам жумҳураини Ислам Каримов тилидан Ўзбекистон жумҳурияти мустақил давлат мақомига эга бўлгани тўғрисидаги хушхабарларнинг хушхабарини эшитган заҳотимизда, биз, ўз Ватанларининг бир неча кун эътират қилиш бахтига мўъсар бўлган бир неча хорижий ўзбек биродарларимиз билан бирга бир-биримизни қучоқлаб, йнгламоқдан ўзиникини тиймалдик. Қимил ишонч билан айтаманки, янги пайтда бу хушхабардан огоҳ бўлган миллионлаб америкалик, саудиялик, олмониялик, покистонлик, афғонистонлик жангалари-

Абдурауф МАҚСУДИЙ,
«Эл» халқро уюшмасининг раиси.

● Иккинчи саҳифага қаранг

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Азиз муштарийлар!
Мана, қўлингизда «Ўзбекистон овози»нинг 21.038-сонини. Ҳа, ажабланманг! Иккинчи кундирки, «Совет Ўзбекистони» рўзномаси янги ном билан — «Ўзбекистон овози» бўлиб чиқмоқда. Рўзнома тахрир ҳайъати кўп сонли муштарийларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасини Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси қабул қилган Ўзбекистон Мустақиллиги тўғ-

рисидаги Қонундан келиб чиққан ҳолда рўзнома номини 1 сентябрдан бошлаб ўзгариштиришга қарор қилди. Ниятимиз — у бутун ўзбек халқининг, миллати, ирқи, жинси, диний эътиқодидан қатъий назар, республикамизда истиқомат қилувчи барча кишиларнинг овози бўлсин! Тахририят шунга яраша рўзнома мундарижаси ва мазмунига янги давр руҳини сингдиришни, уни чинакам халқ минбарига айлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу

эзгу ниятга етишда биз илгаригидек сизларнинг маслаҳатингизга, таклиф ва мулоҳазаларингизга кўз тутамиз.

Яна бир гап. Қимки, «Совет Ўзбекистони»га 1992 йил учун обуна бўлишга улгурган бўлса, ҳавотирликка тушмасин. Улар келаси йилдан ўша рўзнома, яъни «Ўзбекистон овози»ни мунтазам олаверади.

БИР ЖУМЛАДА

● СССР Президентининг М. С. Горбачев 1 сентябрь кунини СССР Марказий телевидениеси ва Американинги Си-эн-эй телекомпаниясининг мухбирлари билан суҳбат қилди. Суҳбат бевосита эфирга берилди. У халқ депутатларининг навбатдан ташқари Съезди амалий муҳитда, маъсулиятни ҳис этиб, принципал асосда ўтишига ва етишган муаммоларини хал қилишига ишонч билдириди.

● СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси ўтган шайб куни ўз иштининг якулида. СССР Олий Кенгашининг «Давлат тўғрисидаги рўй берган муносабати билан мамлакатда юзага келган вазият ҳақида» Давлат тўғрисидаги қилинган уринишнинг олдинки олий юзасидан биринчи гадаги чора-тадбирлар ҳақида» «1991 йил 18—21 август кунларидаги давлат тўғрисидаги текиришчи юзасидан СССР Олий Кенгашининг комиссиясини тузиш тўғрисида», «СССР халқ депутатларининг дахлеланини бунаш ҳоллари тўғрисидаги қарорларни қабул қилини.

● Совет Социалистик Республикаларини Иттифонга мувофиқ СССР Президентининг хузурида байналхалқий жангачилар ишлари комитети туланди. Р. С. Ашуров комитет раисини эътиб тайинланди.

● СССР Президентининг Фарғонага мувофиқ М. В. Қурчиев СССР Савдо-саноят палатаси раёсатининг вазифасини вақтинча бакарувич этиб тайинланди.

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИ — ЯНГИ ИЛЛАНИШ, ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ

ПАРВОЗ

Иброҳим РАҲИМ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ЎТган шанба оқшомида Ўзбек жамияти тарихий парвоз қилди. Қўша халқнинг асрий орау-умидлари рўёга чиқди — Ўзбекистон ўз иродаси билан мустақил давлат бўлиб олди. Эҳсу муллоларнинг қалблариди инқилоби ошқора галаба қилди. Истиқбол истиқлоли юз берди. Миллий истиқлол орау-сида не-не шуороо алломаларимиз, Фурқатлару Муқимийларимиз, Чўпонлару Қодирийларимиз бу кунларга етолмай оламдан ўтдилар. Бу кунлар бизга насиб қилганига минг бор шукру! Биз Ўзбек ёзувчилари бахт истиқлолини маъқуллаймиз ва яшасин, камол топсин ўз миллий мустақил давлатимиз, миллий истиқлолимиз деймиз! Ўзбек халқи бу истиқлолга муносиб халқдир, истиқбол истиқлолнинг муборак бўлисин, Ўзбеким!

Мустақил давлат эълон қилиниши билан жамиятимизда яқинда-яқинда масъулиятли давр бошланди. Чунки мустақиллик ниҳоятда масъулиятли иш. Уни кўз қорачиқдай сарқай билиш, уни ҳар томонлама ривожлантира олиш, камолатга етказиш зарурати шонининг давлат тадбирлари ўтказишни талаб қилади. Дастлабки ҳар бир қадам дадил ва бе-хато, бетакорор бўлиши керак. Иқтисодий-сиёсий мустақилликни таъминлайдиган ўзинга хос ва даврга мос ишҳам, қақон яқинга ва бошқарув идоралари ташкил томоғи лозим.

Истиқлолнинг таъминлини яъни мустақилликни тўла таъминлайдиган омиллар ичиди, айниқса, учтаси жуда муҳим: иқтисодий қудрат, пухта мудоффа, доно ташқи сиёсат. Бечасоб бойликларимиз шнинг кўзини билбл пишиқ-пухта тасарруф қилина. Ўзбекистон замонавий дунё давлатлари қаторида муносиб ўринни эгаллаши шубҳасиз. Олтинимиз ҳақидаги Президентимизнинг матбуот конференциясида баён қилган фикри маъқул фикр. Ҳозирча ундан бошқа йўл кўрин-

майпти, Пахтаимиз, ипацимиз, қорақўлимиз ҳам бебаҳо олтин, катта бойлигимиз бўлиб, уларни ҳам валюта хазинасига айлантирмоқ зарур. Деҳқончилиги, айниқса, боғдорчилигимизни саноат асосига қуришимиз керак. Қуригилган ўринимиз дунё бозориди олтинга тенг. Асалимиз нуқул валюта. Савдо-сотинда нуноқилгимиздан ана шу бойлик ҳавога учати. Бу соҳанинг ҳам ишбилармону пултопарлари зарур бўлиб қолди.

Чет элларга ўқишга бораётган ёш мулловаччалар, менежерлар, савдо-сотини машқ қилаётган савдогарларимиз бу соҳада ёш, янги давлатимиз ривожига бебаҳо хизмат кўрсатишларига умидворимиз. Мустақил давлатнинг мустақил мудофачилари ҳам бўлмоғи кераклиги айтилди. Маъқул гап.

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган совет ҳарбий қисмлари Ўзбекистон жумҳурияти ихтиёрига ўтиши ва бўйсунуши керак. Жумҳуриятимиздан қақирилган ёшлар шу қўшинларда хизмат қилмоғи лозим.

Бизнингча, Ўзбекистон жумҳурияти курали кучлари мустақил жумҳуриятлар иттифоқи курали кучлари билан иттифоқчилик таркибиди иш кўради ва ядро курали билан кураоланмайди. Ўзбекистон жумҳурияти ҳудудида ядро курали сақлаиши таъқиқланди, деб эълон қилиниши мақсада мувофиқдир. Миллий ҳарбий кадрлар тайёрлаш мақсада муҳим ишлардан бири бўлиб қолди.

Бугун гап тенг ҳуқуқлилик хусусида борпти. Эсимизни таъминоти, «Жонажон Иттифоқимизда тенглар ичиди тенгимиз» деб ёзиб, яшаб келдик.

Бугун бошимизни кўтариб, атрофда синовдор назар солиб аниқладики, биз «Жонажон Иттифоқимиз»нинг қадри, нуфузи тенг, баробар фарзандлари эмас эканмиз.

Бизнинг фиғонларимизни эшитмас, талабларимизни инобатга олишмас экан. Ми сол, дейсизми, иқтисодиини на айтил:

1. Орол қай даражада ҳалокатли ўлиб бораётганини ҳеч кимга сир эмас, Орол бўйи болаларининг ҳар туқ-қиз-ўғлидан 7—8 таси ўлиб кетаётгани, у ерда турт муқаси соғ одамнинг ўзи қолмаётгани ҳеч кимга сир эмас-ку!

Орол қандай қилиб шу ҳолга келиб қолди? Ўзбек халқининг «Жонажон Иттифоқининг» пахта мустақиллигини таъминлайман деб юк устига юк кўтариб бели чиқиб, елмаси яғир бўлиб кетмадими?

Орол энг йирик аржуманларда доллар, шов-шув масала бўлиб кўтарилди-ю, эди...


Съезд қарорига битта банд сифатида тирнаб қўйиш ҳам малол келди. Марказда.

2. Биз жумҳурият депутатлари съезиди ёзиб турган масала — ҳарбийдан аскар болалар ўлими кўнаиб бораётганининг муҳоама қўйилган эди. Ўзининг хону-монини куйдираётган бу масала муҳоамасида халқ депутатлари тик оёққа қалққан эди. Ушанда бизнинг сессиямиз ўтаётган вақтларда тирик, ота-оналарига илтижоли «яндай қилиб бўлса ҳам мени бу ердан олиб кетинглар, бўлмаса тобутим боради», — деб хат ёзиб юборган йигирларнинг баъзилари бугун йўқ.

Биз журналитимизда эълон қилган наманганлик биринчи гурпа инвадиди Турсуной опанинг еру-қўна ишонмай-диган ёлғиз ўғли армияда, ана шундай сирли ўлим топди. Турсуной опанинг ўғли қисман қийиб кетганди унинг йил 38 кун далада унинг ўлими топиди. Унинг жасадини қисм қилинган тоғ ён бағрида, дарахта оқиллик ҳолда топиди. Марҳумнинг чап қўлининг бир бармоғини каламушлар еб кетган эди...

Ҳой, одамлар! Мен ўз ётига ўзи қорилиб, қуриб, қақшаб бораётган Элимнинг эр-кақралига муружаат қилмоқчиман.

— Бормисиз ўзи? Қачонга қилволнинг масалидагидай турт томонга тортаверасиз-у, юқингиз жолдан силжимай тураверади? Ҳар бирингиз ўзингизни ишлаган қилиб, халқпарвар қи-



● Халқ номблари ўзро мулоқотда. В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ХАЛҚ ШОДИЁНАСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Халқ ижодиёти Бутуниттифоқ тапловининг совриндори, вилоят филармониясининг «Анор» халқ дастаси, Фарғона дорилфуни мақомчилар дастаси, «Қўшқон» деб аталган филармониянинг уйининг «Камалки болалар хор жамоалари, халқ талантлари, дорбозлар, асқиячиларнинг чиқилари байрамга алоҳида фойз ва тароват бахш этди. Ҳамма ерда дастурхонлар хсалган, одамларга аънанавий палов тортиди. Ўзбекистон Мустақиллик кунини вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида нишонланди. Ленинград райониди эса озолик байрами пахта теримининг бошланишига тўғри келди.

Биринчи сентябрь Хоразм шаҳарлари ва қишлоқларида ҳам байрамона ўтди. Урганчада халқ сайли ўтказилди. Шаҳар театр майдониди ва ал-Хоразмий майдониди олдиди Оғаҳий номли вилоят музыкали драма ва комедия театри артистлари вилоят марказиди корхоналар, бадий хаваскорлик жамоалари ҳамда ташкилотлари билан биргаликда катта концерт бердилар.

Шаҳардаги марказий кўчалардан бири бутунлай ёпиб қўйилди. Бу ерга шаҳар яқиндаги колхозлар ва совхозлардан, ердамчи хўжаликлардан табиат ёрдамларини келтиришди. Ширин-шакар қовун ва тарвузлар, олхури ва анжирлар, хилма-хил мевалар ва सबзавот маҳ-

сулотлари шу кунин шаҳар бозоридидаги нисбатан икки-уч бардвар эрон нарҳа сотилди. Халқ истеъмоли моллари ёйма савдоси ташкил этилди.

Шу кунин кинотеатрларда, шаҳар маданияти ва истироҳат бондида одамлар кўп бўлди.

Гулистон шаҳри шанба кунидида байроқлар билан безатилади, байрам чироқлари уни нурафшон қилиб турарди. Эр-талаб вилоят музыкали драма театри бонис олдиди майдонда минглаб шаҳарликлар тўланди. Муслиқ овозлари янради, бадий хаваскорлик қатнашчилари одамларни хушнуд этишарди.

Вилоят ва шаҳар партия комитетларининг ходимлари, кол депутатлари, меҳнат фахрийлари меҳнатқашлар билан учраиши учун келишди.

Мустақиллик кунин Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам кенг нишонланди. [ЎЗАГ].

Ҳалима ХУДОИБЕРДИЕВА
Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты.

ҲУРЛИК ЎТИ

нинг уч пуллик талаш-тортишларингиз эмас, жабрдийда халқнинг болаларини оммавий, сирли қирғинларга учрагани ёзилди. Авлодларнинг «Сиз қаерда эдингиз» деган ҳақли саволига нима деб жавоб берасиз? Биз гуруҳларро кураш билан банд эдик, шу сабаб тобутларни тўхташга вақтимиз бўлмади, — дейсизми? Ай-

нинг айрилиги-ку, ахир! Ёки азал-абад бу шўрлик халқнинг пешонасига бўлиб ўтиш битилганими?

Болаларини, аёлларини хўрлатиб қўйган элнинг эр-таси борми, ўзи?!
Бир кунда битта районга учта тобутга гулдаш навқирон ўғиллари бир қафт кўл бўлиб қайтиб келсалар, бу ёқда «ойлани планлаштириш»

масаласида аёлларга кам фарзанд кўришга даъват, ташвиқот чиқдираларни зўр қачон қизитилмаган бўлса...

СССР соғлиқни сақлаш вазири А. Барановнинг махсус «соғир» оёғлининг олдин олувчи препаратлар кам ишлатилаётганини қатъи танқид қилган хати асосда жумҳурият таъабат вазирининг буйруғи чиқса...

Бизнинг Шарқ тарбиясини олган Соғлиқни сақлаш вазиригимиз раҳбарлари ма-на шу буйруқни чиқариш билан қандай ишга қўл урганлари, услиз ҳам қўйин яшаш шароити, экологик аазоблари, турли хил касалликлар боис қачонга кетаётганида ҳам.

Бизнинг Шарқ тарбиясини олган Соғлиқни сақлаш вазиригимиз раҳбарлари ма-на шу буйруқни чиқариш билан қандай ишга қўл урганлари, услиз ҳам қўйин яшаш шароити, экологик аазоблари, турли хил касалликлар боис қачонга кетаётганида ҳам.

бирларни бизга қўбришдан олдин бизнинг фикримиз сўраланиши керак эди.

3. Биз қачонга тепадан келган буйруқни сўзис ба-жарамиз. У ҳатто бизнинг янгаргўшаларимиз, зурри-ётларимиз демани, бизнинг халқ сифатида эргага ҳам яшац, ҳам яшамаслигимиз ҳақида кетаётганида ҳам.

Фарзанд кўришдек илоҳий буюк бахт аёлга насиб қилган экан, келинг шу бахтга ҳам заҳа етказмайлик. Шу бахтни ҳам қўлга солиб ҳисоб-китоб қилмайлик. Ҳир-гина шу азобли бахтни ҳам тортиб олмайлик ундан. Мен бу гапларни мустақил яша-шимиз, фикрлашимизга ало-қадор гаплар деб биламан.

Сўзимни қуйдиған «Хур-лик ўти» сарлаҳали шеърим билан яқунламоқчиман.

(Давоми. Боши биринчи бетда).

органлари сайлови ўтказил-гунча) куйидагиларни қилиш зарур, деган фикрга келдилар:

1. Мустақил давлатларнинг Иттифоқи тўғрисидаги шартномани тайёрлаб, ҳоқловчи барча республикалар уни имзолаши лозим, бу Иттифоқдаги мустақил давлатларнинг ҳар бири ўзининг Иттифоқда қатнашиши шакллари мустақил равишда белгилли олади.

2. Республикалар ўзлари эълон қилаётган мақолалардан қатъи назар, уларнинг ҳаммасига муружаат этиб, ягона эркин иқтисодий макон доирасида ўзро алоҳида боғлаш мақсадида ва халқ хўжалигининг бир меъёрада ишлашига эришиш, аҳолининг турмушини таъминлаш, туб иқтисодий ислохотларни жадал ўтказиш мақсадида дарҳол иқтисодий Итти-фоқ тузиш тақлиф қилинсин.

3. Ўтиш даври шароитида: — қонун чиқарувчилик вакилларини бақариш ва мустақил давлатлар Итти-фоқининг янги Конституциясини ишлаб чиқиш мақсадида иттифоқдош республикалардан тенг вақилнинг қондасига бинаон СССР халқ депутатларидан ҳамда республикаларнинг Олий Кен-гашалари вақил қилиб юборган депутатлардан 20 нафардан депутат ҳисобидан Халқ депутатлари вақилари кенгаши; — республикаларнинг умумий манфаатларига тааллуқ-

СССР ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ОЛИЙ РАҲБАРЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

ли бўлган ички ва ташқи сиёсат масалаларини ба-маслаҳат ҳал қилиш учун СССР Президенти билан иттифоқдош республикаларнинг олий мансабдор шахсларидан иборат Давлат кенгаши тузилсин;

— халқ хўжалигини бошқаришни мувофиқлаштириб туриши ва иқтисодий ислохотларни бамааслаҳат ўтказиш учун барча республикаларнинг вақиллари ишти-рониди тенглик неғизларида вақтинча Республикалараро иқтисодий комитет тузилсин. Конституция лойиҳаси тайёрлангандан кейин у итти-фоқдош республикаларнинг парламентларида кўриб чи-қилиб, тасдиқланиши, итти-фоқдош республикалар мух-тор вақилларининг Съезиди эса узил-кесил қабул этилиши лозим.

Сайланган барча депутатларнинг СССР халқ депутатлари мақоми улар сайланган бутун муддат охиригача сақ-қан бўлишини тасдиқла-син.

Шу муносабат билан биз Съезда муружаат этиб, СССР Конституцияси те-гишли моддаларининг амал

7. СССР халқ депутатлари Съезидан иттифоқдош республикаларнинг ўзлари-ни халқро ҳуқуқ субъектлари деб тан олиш ва уларни БМТ аъзолигига қабул этиш масаласини кўриб чи-қиш тўғрисида БМТга қил-ган муружаатларини қўла-лаб-қувватлаш сўралсин.

Вужудга келган вазият тақозо этган маъмур тадбир-ларини зудлик билан ўткази-ши зарурлиги муносабати билан биз Съезда муружаат этиб, тақлиф этилган масала юзасидан зудлик билан қарор қабул этилиши илтимос қиламиз.

Баёнотни СССР Иттифоқи Президенти, РСФСР, Укра-ина, Белоруссия ССР, Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон ССР, Озарбайжон Республи-каси, Қирғизистон Респу-бликаси, Тожикистон Республикаси, Арма-нистон Республикаси, Туркменистон ССРнинг Олий раҳбарлари им-золадилар.

Грузия ишда кузатувчи сифатида қатнашди. Тундаги иш жараёнида баъзи республикаларнинг мулоҳазалари бор эди, бу-гун эрталоб бу мулоҳазалар барқарор этилди.

Тегишли Баёнот муноса-бати билан депутатларга иш тартиб тўғрисидаги иккин-чи баёнот тарқатилди, бу Баёнот ҳам юқориди кўрсат-илган барча олий раҳбар-лар томонидан имзоланган.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети билан вилоят партия ташкило-ти назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлди. Тош-кент вилоят навабдан таш-қари XXV партия конференциясини қақриш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Пленумда Тошкент вилоят партия комитетининг бирин-

ПЛЕНУМЛАР БЎЛДИ

чи котиби С. Д. Сайдалиев нутқ сўзлади. Тошкент вилоят навабдан ташқари XXV партия конференцияси-ни 1991 йил 10 сентябрда қақриш тўғрисида қарор қа-бул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Фарғона вилоят комитети билан вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлди. Унда республи-ка Компартиясининг XXIII

Фарғонада Фарғона вилоят комитети билан вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлди. Унда республи-ка Компартиясининг XXIII

фавқулудда съезидига тайёр-гарлик кўриш юзасидан ви-лоят комитетларининг ва-зибалари, Фарғона вилоят партия ташкилотининг XXV конференциясини қақриш тўғрисидаги масала муҳоа-ма қилинди:

Пленумда Фарғона вилоят партия комитетининг биринчи котиби Ғ. Ф. Фозиллов нутқ сўзлади. (ЎЗАГ).

«ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТИ»

Жумҳуриятимиз муштарий-лари яна бир рўзнома — «Ўзбекистон табиатининг ниҳона сони билан танишишга муяссар бўлдилар. Рўзнома Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг экологик ҳафталиғидир.

Рўзномага «Табиатда иш бор, гўзаллик бор, садақот бор» ибораси шор қилиб олинган. Чиндан ҳам инсон гўзал табиат ошутасини, уни авайлаб-асраш инсоннинг муқаддас бурчи.

Ўзбекистон Президенти И. А. Наримов «Ўзбекистон табиати» рўзномаси ижодкорларига табрик хати йўллади. Унда қуйи-даги сўзларни ўқиймиз: «...Ер-дан, сувдан, ҳаводан, тирикчи-лигимизнинг барча табиий манба-ларидан оқилона фойдаланишга ўрганиш пайти етди. Саноат-да чиқитсиз ишлаб чиқариш техникасига тўла ўтишимиз, ҳар бир завод, фабриканинг муҳофазаси нишоотлари нуқсонсиз ишлашига эришмоғимиз, деқончилик маданиятини жадалда юксалтирмоғимиз ке-ларак. Лунда қилиб айтганда,

гўзал табиатимизни асраб-авайлаб, келажак авлодларига етказиб беришимиз зарур». Экология муаммолари рўз-нома саҳифаларида эълон қи-линган мақола, шеърлар, пуб-лицистик мақолаларнинг мав-зини ташкил этди. Шубҳасиз, рўзнома ўзининг асосий йўна-лишини белгилаб олиши керак. Бу йўлда унинг ижодкорлари-га ижодий беришмоғимиз тила-емиз.

ТАБИАТДА ИШ БОР, ГЎЗАЛИК БОР, САДАҚОТ БОР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАБИАТИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИБ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲАФТАЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАБИАТИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИБ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲАФТАЛИГИ

1991 йил 30 август, МЕНА

СУРАТ-АХБОРОТ



Лицей иш бошлади

та синфга қабул қилинди. Машғулотлар 1-синфдан 9-синфгача олиб борилади. Лицейни муваффақиятли тамомлаган ёшлар олий ўқув юртиларига имтихонсиз қабул қилинади...



Кейинги пайтларда жумҳуриятимиз халқ таълимида хайрли ўзгаришлар юз бераётди. Тошкент шаҳар Сергеев ноҳиясида Лицей очилиши ана шундай муҳим тadbирлардан биридир.

СПОРТ

ПЕШКАДАМЛАР МАВКЕИ

ОЛИЙ ЛИГА жамоалари бир неча кунлик танлашдан кейин мамлакат чемпионатининг 24-тур ўйинларини ўтказишди. Учрашувлар тўпламга бой бўлди.

Улар ҳисобида 29 очко бор. Киев динамочилари эса очкони 28 тага етказиб, мавкеларини яхшилашди. Улар ўз майдонларида арабчиликларни 4:3 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

СОВРИН УЧУН КУРАШ

«Канада кубоги» учун шайбали хоккей бўйича халқаро турнир бошланди. Сафарда ўтказилаётган бу мусобадада мамлакатимиз терма жамоаси дастлабки ўйиндаёқ мухлисларни раивитди.

Улар ҳам бўш келишмади. Улар жаҳон чемпионлари — Швеция хоккейчиларини 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

БОЛАЛАР УЧУН

Шўртан газ қонлари бошқармаси Гўзор районида болалар босчаси қуриши бошлалди. Бу ишни «Газпромстрой» трестига қарашли хўжалик ҳисобидagi участка қурувчилари олиб боришди.

— 280 ўринга мўлжалланган мазкур болалар босчасини келаси йили декабрь ойида фойдаланишга топшириш мўлжалланган, — дейди участка мастери С. Жумаев.

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Августнинг дастлабки кунларида биринчи жумҳурият божхонасининг мўлҳум бўлимига чегарадан ўтказишга мўлжалланган шубҳали юклар келиб тушди.

ярим миллион сўмлик турли моллар жўнатиётгани маълум бўлди. Писса ва сочили электр асбобидан тортиб болалар ўйинчоқларигача бўлган бу моллар қонунсиз солиқ олинган.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Х. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУХАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ХИКМАТОВ.

ОДОБНОМА

Султон Улуғбекнинг нигоҳи йўл ёқасида ётган нон бурдасига тушаркан, у даровар ордан тушади ва нонини олиб кўйибди солади. Носир: «Нега бизга буюрмай, ўзингиз отан тушингиз?»

айтган доно сўзлари етишмовчилик ёки зиналикдан эмас, балки болаларга нонга нисбатан авайлаб, муқаддас мусоабатда бўлишни тарбиялаш босидан эканлигини билдиради.

Дарҳақиқат, халқимиз — хоҳ шох бўлсин, хоҳ доғ — нонини азалдан ҳурмат қилади, уни ҳамма нарсадан афзал, азиз ва муқаддас деб билади.

Деҳқон ўз машаққатли меҳнати орқали етиштирган нонини, сабзавот, мева ва пахта билан чин фаизлатта муяссар бўлган экан, истеъмолчилар ҳам шундай феъл-аъл ҳоҳиб бўлмақлари лозим.

НОН ИСИ

«Мен доини — нонни юқори баҳолайман. Нон — барча наъматларнинг султони» деб жавоб берган экан.

Бирорта лаззатли таом нон ўрнини босолмайди ва нонсиз яшашнинг ўзи мумкин эмас. Унинг шухрати, қадри, ўрни ҳар нарсадан ҳам улуғ, у энг мўътабар ва табарруқ неъмат.

Нон энг қимматли озиқ-овқат, азиз риқ-рўзиқ, барча нон-неъматларнинг мезони. Галла ва нон халқларнинг энг биринчи ҳаётий негиздир.

Умуман кундалик турмушда, тўй ва азада меҳмон учун ёзилган дастурхонга дастлаб нон қўйилади. Нексаларнинг: «Қани болалар овқатланиб бўлдиларингизми, энди нон ушогини териб енглар!» — деб

қимматбаҳо гилам, тилла ва кумуш билакузук ва бошқа зарғарлик буюмлари топилди. Бу буюмларнинг моддий қийматида шайхари маданий аҳамияти ҳам бексиздир.

Катта кўприк — Умуман, қурилиш ишлари қўнғилдагидек бормоқда. — сўхбатта аралашди бош ишбоши Вячеслав Андреев.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

1-ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМҒОҲИ 1991—1992 ўқув йили учун КўНДУЗГИ ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига 34 ёшдан ошмаган, тўлиқ ўрта маълумотли, халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида икки йиллик амалий иш стажига эга бўлган илгор ишчилар ва колхозчилар ишлаб турган корхона, ташкилот, муассаса ва жамоа ҳўжалик йўлнамаси билан қабул қилинади.

ШУНИНГДЕК ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИГА:

— танлаган соҳаси бўйича намида икки йил давомида кичик тиббиёт ходими (кичик ҳамшира ва санитарка) бўлиб ишлаганлар; — СССР Қуролли Кучлари сафларидан захирга бўшатишган олий маълумотга эга бўлмаган, қўмондонлик ёки ҳарбий қисм йўлнамаси билан қелган ҳарбий хизматчилар; — тиббиёт билим юртиларини битиргандан кейин танлаган соҳаси бўйича намида уч йил давомида шу имтиҳондан фойдаланишлари мумкин;

ОЛИЙ БИЛИМҒОҲГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ МУВАФФАҚИАТЛИ ТОПИШИРИБ, ТАНЛОВДАН ӨТА ОЛМАГАН ҚЎЙИДАГИ АБИТУРИЕНТЛАР ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИГА СУҲАТСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР:

— Олий билимғоҳ билан корхона, муассаса, ташкилотлар ўртасида тузилган икки томонлама шартнома асосида, қандай иш стажига эга бўлишдан қатъий назар, ишлаб турган жойидан мақсадли равишда йўлнома билан қелган ёшлар (шартнома кириш имтиҳонидан олдин тузилгани керак); — Заҳирга бўшатишган ҳарбий хизматчилар (улар армия сафидан бўшатишга, уч йил давомида шу имтиҳондан фойдаланишлари мумкин);

ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИНИНГ БИТИРУВЧИЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМҒОҲНИНГ КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ АБИТУРИЕНТЛАР БИЛАН БИР ӨАТОРДА ТОПИРАДИЛАР ВА УМУМИЙ ТАНЛОВ ЙЎЛИ БИЛАН БИЛИМҒОҲГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Кирувчилар билимғоҳ ректори номига ариза, тайёрлов бўлимига йўлнома, ўрта маълумот ҳақида ҳўжат (асл нусха), 8 та 3х4 см. катталикдаги фотосурат, 086/У андозасида тиббий шаҳодатнома, меҳнат дафтарчасидан нуска (мадралар бўлими ходими томонидан тасдиқланиб, «шу вақтда ҳам ишлаб турибди» деб кўрсатилган ҳолда) топширилади.

ХАРБИЙ БИЛЕТ ЕКИ ГУВОҲНОМА ШАХСАН КўРСАТИЛАДИ. ӨУҲУЖАТЛАР 1 ОКТЯБРДАН 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

1.ТoшДТИ манзили: Тошкент шаҳри, Өамза кўчаси, 103-уй.

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ӨУҚАРОЛАР ВА ЧЕТ ЭЛ ӨУҚАРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИИ ӨАОЛИЯТ БАНКИ

СИЗЛАРДАН ӨРБИН ӨЗГАРТИРИЛАДИГАН ВАЛЮТАЛАРНИ СССР ДАВЛАТ БАНКИНИНГ САБЕӨЛАР КўРСИ БЎЙИЧА

ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА, ӨАМДА ВАЛЮТАНИНГ КЕЛИБ ЧИКИШ МАНБАЛАРИДАН ҚАТЪИ НАЗАР

СОТИБ ОЛАДИ

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко, кўчаси, 29-уй (метронинг «Тошкент» бекети), 16, 25, 60, 40, 22, 55-автobуслар; 1, 5, 10, 17, 20-троллейбуслар; 1, 2, 5, 8, 9, 10, 24-трамвайлар билан борилади). Бизнинг телефонларимиз: 55-12-01, 54-88-52, 54-88-89.

ҚУРИЛИШ, ШИРКАТ ВА КИЧИК ӨУЖАЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ РАӨАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ДАВЛАТ ИЖАРА ТАШКИЛОТЛАРИ ЖУМӨУРИЯТ АССОЦИАЦИЯСИ «ӨЗСТРОЙРЕМБЕЛБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАШКИЛОТИ

Өз ичига 190 дан ортиқ қурилиш таъмирлаш ташкилотларини бirlаштирган. Ассоциация ташкил этишдан мақсад — ташкилотлар тарқоқилигини тутатиш учун шу ташкилотлар ишчи-хизматчилар, кўчларини бirlаштириш, социал-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш, мухтассасларнинг тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, еҳолога хизмат кўрсатишни бир хил йўналишга солиш, асбоб-ускуна, дастгоҳ ва материаллар олшини кооперациялаш, бirlашган ишлаб чиқариш ташкилотлари тузиш ва ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашдан иборат. Өужалик ҳисобига ўтишда (ижара ва бошқа келишув асосида иш юртишда).

АМАЛИЙ ӨРДАМ БЕРИШДИР

Манзилгоҳимиз: 700084, Тошкент шаҳри, Тимирязев кўчаси, 48-уй. Телефон: 35-14-10. Телетап: 336379 «Норд».

СССР ЖАМӨАРМАЛАР БАНКИ

ЖАМӨАРМАНИЗИНИ ӨАҚАТ НАҚД ПУЛ БИЛАНГИНА ӨМАС, ВАЛИКИ НАҚД ПУЛСИЗ ӨГЎЛ БИЛАН ӨАМ КўПАТИРИШИ МЎМКИНЛИГИНИ ВЬЛАСИЗИМИ?

Бунинг учун ўзингиз ишлаётган корхона, ташкилот ёки жамоа ҳўжалигининг ҳисобчилар бўлимига жамғарма банкида сақланаётган омонат ҳисобингизга Сизнинг пул даромадларингиздан маълум бир миқдорни ўтказиб бориш тўғрисида ариза ёзишингиз лозим бўлади.

Катта кўприк

— Умуман, қурилиш ишлари қўнғилдагидек бормоқда. — сўхбатта аралашди бош ишбоши Вячеслав Андреев.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМӨУРИЯТИ ЖАМӨАРМА БАНКИ

шахсий бюджетингизни тўри йўлга қўйиш, даромадларингиздан мақсадда мувофиқ тарзда фойдаланишда ВАКТИНГИЗИ ТЕЖАШДА СИЗГА ӨРДАМ БЕРАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМӨУРИЯТИ ЖАМӨАРМА БАНКИ «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИНТӨОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент—ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: мушаррийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; кайта қуриш ва иқтисодий аҳоли — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва нафисура — 33-36-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; санаот, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодий ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-54, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МЎХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12 Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-23-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Өарғанада — 6-90-89.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» («ГОЛОС ЎЗБЕКИСТАНА») Орган ЦК Компартия Өзбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5811. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.00.

№ 171.